

ISLAMONLINE.UZ

Ҳалол



Ҳалол маҳсулотлар бозори Буюк Британияда шов-шувга сабаб бўлди



12 феврал куни Бирмингемда (Буюк Британия) очилган биринчи халол маҳсулотлар бозори юзлаб меҳмонларни хурсанд қилди. Турли миллат мижозларини нафакат кенг асортимент, балки ёқимли муҳит, сотувчиларнинг дўстона муомаласи ҳам ўзига жалб қилди. Шунингдек, очик хавода бепул кинотеатр ва болалар билан ташриф буюрувчилар учун ўйин хонаси мавжуд эди.

Бирмингемда Миллий Хинд таомларини сотадиган эр-хотин Саид Шах ва Алия Рехми ўз махсулотларини бозорда такдим этишди ва уларнинг киоски олдидаги катта хаяжондан хайратда қолишди.

"Биз бундай натижаларни кутмаган эдик — бозор шунчаки кайнаяпти", - деб бўлишди сотувчилар. "Бундай бозорда одамлар нафакат харидларни амалга ошириши, балки бизнинг озик-овкат ва маданиятимиз хақида билиб олишлари ва бошқаларга бизнинг мазали ва гайриоддий махсулотларимизни татиб кўришлари ажойиб", - деди Саид Шах ва Алия Рехми.